



ИИВ АКАДЕМИЯСИДА КУРСАНТЛАР БИЛАН ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Сармонов Тоҳирбек

ИИВ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик
йўналиши тингловчиси, подполковник
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7854466>

ARTICLE INFO

Received: 12th April 2023

Accepted: 21th April 2023

Online: 22th April 2023

KEY WORDS

ИИВ Академияси, курсант,
таълим, тарбия,
ватанпарварлик, ички ишлар
органлари.

ABSTRACT

Мақолада ИИВ Академиясида курсантлар билан тарбиявий ишларни олиб боришнинг ҳуқуқий асослари, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари, амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Бугунги кунда ИИВ Академияси курсантларини маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими изчил ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи барча фуқароларни, шу жумладан, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди[1]. Жумладан:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарорининг 1-илоvasи “Ички ишлар

органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низоми тасдиқланиб, ушбу низомнинг 1 бандига биноан ички ишлар органлари ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсантларининг хизмат ўташ тартиби[2] белгиланди;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори қабул қилиниб ушбу қарорнинг 1-илоvasи “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси”нинг 1-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим



муассасалари курсантларининг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқ ва интизомга қўйиладиган талабларни белгилаши, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш [3] масалалари назарда тутилди.

Шу ўринда, шуни айтиш жоизки, ИИВ Академиясини курсантларни тарбиявий ишларни олиб боришда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ЎРНИ ўзига хос ўринга эга бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорининг биринчи иловаси “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низоми билан қуйидаги тарбиявий ишларни олиб боришга хизмат қилди:

биринчидан, Академия курсантларини “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш руҳида тизимли равишда тарбиялаш учун шахсий жавобгарлигини белгилаш чоралари кўрилди;

иккинчидан, тарбиявий жараёни таъминлаш соҳасида мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни кучайтириш бўйича фаолиятни ташкил қилишнинг сифат жиҳатдан янги тартибни белгиланди;

учинчидан, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўлган истиқболли бошқарув таркибини шакллантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш чоралари кўрилди.

Назаримизда, ушбу ишларни амалга оширилиши Қ.Ф. Мамуровна таъкидлаганидек, ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни ривожлантиради [4]

Шу ўринда, ИИВ Академиясида саф қисми офицерлари томонидан тарбиявий ишларни олиб боришдан асосий мақсад бу ҳуқуқшунос Ш.Х. Қушбоқов ва Ж.М. Турниёзов тўғри таъкидлаганидек, бўлажак ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш яъни “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган Юртбошимизнинг фикрларини амалий исботини кўрсатиш [5] ҳисобланади.

Курсантларни тарбиявий ишларини ташкил этиш борасида тадқиқотчи Х.Пардаев қуйидагича фикрлайди. Унинг фикрича, Ички ишлар вазирлиги Академиясида таҳсил олаётган курсантларни соғлом ва ҳар томонлама баркамол шаклланиши учун уларда фақатгина ўқишга интилиш ҳиссини такомиллаштириш билан чекланиб бўлмайди. Улар онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш билан ўз Ватани ва халқига нисбатан садоқатни шакллантириш, атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлиш туйғусини ҳамда маънавий-маърифий онгини ривожлантириш лозим бўлади. Бунинг учун эса расмий машғулотлардан ташқари таълим ва илмий тўғаракларга алоҳида (курсантларни фикрлашга ундаш ва шу фикрларига уларнинг кўзи орқали ёндашишга) эътибор бериб, уларни урф-одатларимиз, миллий



қадриятларимизга ҳурмат руҳида ҳамда ўз касбининг моҳир устаси бўлишлари учун ундашга ёрдам беради[6]

Назаримизда, таълим ва илмий тўғаракларга алоҳида (курсантларни фикрлашга ундаш ва шу фикрларига уларнинг кўзи орқали ёндашишга) эътибор бериб, уларни урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ҳамда ўз касбининг моҳир устаси бўлишлари учун ундашга ёрдам беради деб ўйламаймиз. Ушбу тўғарак ва қўшимча машғулотлар фақатгина ҳуқуқий онгини шаклланишига ёрдам беради маънавий онгини шакллантиришга бўлса албатта маънавий озуқа билан курсантларни онгини озиқлантириш зарур бу борада театр, музейлар ва бошқа миллий анъаналарни акс эттирувчи тадбирларни ташкил этиш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу ишларни амалга оширишни ташкил этиш саф қисми командирларини тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарини бевосита вазифаси ҳисобланади.

Шу ўрнида ИИВ Академияси курсантлари билан тарбиявий ишларни самарали ташкил этишда қуйидаги ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

биринчидан, курсантларни маънавий онгини шакллантириш бу борада отряд командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари тарбиявий бўлим ходимлари билан ҳамкорликда халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларини, бой меросимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳамда одоб-ахлоқ, ҳалоллик, поклик, садоқат ва фидойиликни чуқур сингдиришга қаратилган давра суҳбатлари ўтказишни мунтазам ташкил этиш;

иккинчидан, курсантларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳис-туйғуларини ошириш оммавий тадбирлар (музей, театр, кино, истироҳат боғлари, концерт ва бошқа тадбирларга ташрифлар) орқали сингдириш.

Хулоса ўрнида, шуни айтиш жоизки курсантларга тарбиявий ишларни такомиллаштиришдан мақсад доцент А.А.Шодев такидлаганидек, ички ишлар органларини инсон қадрини улуғловчи, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминловчи, маҳкумларни қайта жиноят содир этилишининг олдини олишувчи, фақат назарияда эмас балки амалда ҳам ушбу ишларни амалга ошираётган кўчли инсонпарвар тизим[7] сифатида шакллантиришдир.

References:

1. Мамуровна Қ.Ф. Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашда жорий ўқув дастурлар ва материаллар таҳлили //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 71.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3430641>. (мурожаат этилган сана: 16.04.2023 й.).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-



10-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6364837>. (мурожаат этилган сана: 16.04.2023 й.).

4. Мамуровна Қ.Ф. Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашда жорий ўқув дастурлар ва материаллар таҳлили //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 71.

5. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.

6. Пардаев Х. Ички ишлар вазирлиги Академияси курсантлар ва тингловчиларининг ватанпарварлик тарбияси ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 7-11.

7. Шодиев А. Жазони ижро этиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар инсон қадрини юксалтиришдаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 12-14.